



“CNN INTERNATIONAL”, “NEWS ASIA” VA “FRANCE 24” ТЕЛЕВИЗИОН ТАРМОҚЛАРИНИНГ УЗАТТИРИШ СИЁСАТИ

Мамадаминова Шахноза

ЎзЖОКУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6481058>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 15-aprel 2022

Ma'qullandi: 20-aprel 2022

Chop etildi: 23-aprel 2022

KALIT SO'ZLAR

ОАВ, контингент,
телеканал, контингент,
аудитория, субтип

ANNOTATSIYA

Мақолада бугунги кунда халқаро телеканаллар мутлақ холисликни таъминлашда қай тартибда иш олиб бораётганлиги хусусида сўз боради. Унда “CNN International” “News Asia” “France 24” телеканаллари фаолияти қисман таҳлил қилинган.

ОАВнинг тижорийлашуви нафақат ижтимоий институт сифатида ўзининг ахборий мақсадига тўғри келмасликка, балки маданий, маърифий ва бошқа функцияларини амалга оширолмай қолишига олиб келди. Хорижий журналистикада фуқаролик жамияти аъёнларининг йўқолганлиги, аҳолининг сиёсий жараёнларга аралашмаслиги тижорий ОАВ ўз аудиториясининг анча тор, маиший, кўнгилочар манфаатларини қониқтиришига мажбур қилмоқда.

Инсон ташқи ахборотнинг 75%ини кўзлари орқали олади. Бу албатта катта кўрсаткич. Телевидениенинг энг кучли таъсири ҳам айни мана шунда. Айниқса “Euronews” (“Евроњьюс”) каби кенг қамровли ахборот каналларнинг мавжуд бўлиши инсон онги шаклланишида катта роль ўйнайди. Чунончи бундай каналлар дунё билан турли мамлакатлар, Европа ва шу

ўринда Ўзбекистонда томоша қилувчи аудиторияси мавжудлиги сабабли бизни боғлаб турувчи узвий бўғиндир. У томошабинларга маданият (Le mag), кино, биржа, сиёсат, технология, келажак илмий назариялари, спорт ва ҳоказолар борасида ахборот тарқатади. “Euronews” (“Евроњьюс”) - хориждаги етакчи ахборот телеканали саналади. У 1993 йилда ўз фаолиятини бошлаб, бугун кўп тилли (инглиз, француз, испан, немис, рус, итальян, турк, португал, араб, форс) ахборот хизматига айланди. Канал кабел, йўлдош ва оддий антенналар ёрдамида кўплаб дастурлар ҳамда интерфаол хизматлар таклиф қилмоқда. Бундан ташқари, “Euronews” меҳмонхона, халқаро авиалиниялар, интернет ва мобил телефонлардан ҳам етказилиб турилади.

“Euronews” ўзига хос, бой ва турфа ахборот оқимларига эга. Бу каби кенг диапазондаги манбаларининг



мавжудлиги 200 дан ортиқ журналистдан иборат “Euronews” гуруҳига дунёдаги барча воқеа-ҳодисаларни таққослаш, таҳлил этиш, айна пайтда холисликни таъминлаш ҳамда миллий нуқтаи назардан четлашиш имконини берапти.

“Euronews” контингенти 34та расмий тилни ўз ичига олади. Европаликларнинг саксон уч фоизи ахборотни ўз она тилида кўришни истайди. Шунинг учун ҳам “Euronews” кўп тилли ахборот хизматига катта урғу бермоқда. “Euronews” бир пайтнинг ўзида 11 тилда ахборот етказувчи ягона канал ҳисобланади. “Euronews” биринчи бўлиб, 1999 йилда рақамли телевидениега ўтган ва ОАВ янги платформасини саралаб берган эди. Ушбу саралаш GPRS, 3 G, WAP кабилар асосида ишлайдиган Европанинг 17 та бозоридаги 26 мобил канал жонли видео хизматларини таъминлаб берди.

1984 йил 1 январдан ишга тушган “CNN International” (“Си-эн-эн интанейшнл”) бутун дунё бўйлаб 200 миллион уй эгаларининг кабель, йўлдош ва рақамли каналлари орқали инглиз тилида узатиб берилади. Потенциал аудитория “CNN” (“Си-эн-эн”) йўлдошлари томонидан узатилувчи 14 та канал дастурларини қабул қиладиган 1,5 миллиард томошабинни ташкил қилади. Бундан ташқари “CNN International” бир қанча янгиликлар сайти, дунё янгиликлар ресурси ҳисобланмиш блоглар, твиттер оқимларга эга. Ишчилар сони 4000 деб баҳоланмоқда. Канал “Time Warner” (“Тайм Уорнер”) концернига кирувчи “Turner broadcasting system” (“Тёрнер бродкастинг систем”) корпорациясига

тегишли. Унинг марказий корхоналари америка Атланта, шунингдек Нью Йорк, Лондон, Гонконг ва Абу Дабиладда жойлашган. Журналистик жамоанинг ва таҳририят тузилмасини интернационалтириш уринишларга қарамай, “CNN International” аудитория олдидаги америка телеканални сифатидаги мавқейидан қутула олмайди. Кўпчилик америка миллатига мансуб бўлмаганлар канални “АҚШ ҳукумати ҳамда корпоратив элитаси овози” деб ҳисоблашади.

Бундай муносабат шу билан изоҳланадики, мазкур канал эфир вақти Америка ҳақида ва Америка учун дастурлар билан тўла. Жумладан, афсонавий “Larrie King Live” (“Ларри Кинг Лайв”) ток-шоусининг сўнгги кўрсатувигача дастур америкаликлар учун тайёрланганди, истисно сифатида эфирда баъзи америкалик бўлмаган, лекин хориж учун аҳамиятсиз шахслар меҳмонига айланиши мумкин эди.

АҚШ нинг ичида ҳамда глобал ахборот соҳасида рақобатнинг ўсиб бориши “CNN” аҳволини оғирлаштиряпти. Халқаро версияга раҳбарлик қилишда шуниси аниқки, АҚШ билан ҳамкорлик, айниқса, маҳаллий 24 соатлик ахборот дастурларининг пайдо бўлиши бутун дунёда аудиторияни жалб қилишга салбий таъсир кўрсатади. Кўплаб давлатлар аҳолиси америка ахборот манбаларида маданий империализм таҳдидини кўрмоқдалар.

Интернационаллашув мақсадида “CNN” бюрolari жойлашган мамлакатдан маҳаллий корреспондентларни ишлатиб келади. Ушбу репортёрлар ўз ватани



янгиликларини миллийликдан холи нуқтаи назардан ёритишга чақирилади. Бу тизим билан кўплаб ахборот телеканалларидан, шу ўринда “BBC World News” (“Би-би-си Уолд Нюс”)дан фарқланади.

“News Asia” (“Ньюс Эйша”) канали 1999 йил 1 мартдан Сингапурда ўз фаолиятини бошлаган инглиз тилида Осиё янгиликларини, ҳам дунёдаги, ҳам Осиё чегарасидаги воқеалар ҳақида ахборот тақдим этувчи ҳамда инглиз ва хитой интернет порталларини тўлдирувчи ахборий телеканалдир. 2001 йил 12 февральда мазкур канал халқаро миқёсда тан олинди. Сунъий йўлдош Ўрта Шарқ, Осиёнинг катта қисми ҳамда Австралия ҳудудлари чегараларини эгалламоқда. Жумладан, ушбу телеканал йирик Осиё шаҳарлари, шунингдек, Нью Йорк, Вашингтон, Лондон, Брюссельни ўз ичига олувчи ғарбий шаҳарларда ҳам узатилади.

Телеканал бугунги кунда иккига бўлиниб, узатилади: “News Asia Singapur” (“Ньюс Эйша Сингапур”) ва “News Asia International” (“Ньюс Эйша интанейшнл”) (халқаро). Иккаласининг дастурлари ҳам деярли бир хил, бу ҳодисани айниқса, “Singapur Tonight” (“Сингапур тунайт”) ҳамда “Singapur Business Tonight” (“Сингапур Бизнес Тунайт”)нинг 2008 йил июлдан жонли тарзда узатила бошлагач, кузатишимиз мумкин. “News Asia” томошабинларга нафақат сўнгги янгиликлар, балки матбуот таҳлили, газета сарлавҳаларининг муҳокамасини намоиш қилади. Фақатгина “20/20” ва “Singapur Connect” (“Сингапур коннект”) дастурлари Сингапурдан узатилади.

“News Asia International” номли иккинчи канал 2000 йил сентябрда иш бошлади. Унинг аудиторияси Яқин Шарқ, Жанубий, Жануби-шарқий, Шимоли-шарқий Осиёдан Австралиядан бўлган ҳудудлардаги аҳолини ташкил этади. Мазкур канални бутун Осиёнинг 20 та мамлакатида кузатишади. MediaCorp Pte Ltd “News Asia” каналига эгалик қилиб келмоқда ҳамда у маҳаллий медиа холдинг мақомига эга

Ушбу каналнинг вебсайти ҳам мавжуд бўлиб, Сингапур, Осиё ва бошқа халқаро нуқталардан бизнес, спорт, технология, кўнгилочар янгиликлар ва махсус репортажларни узатади. Турли журналист ҳамда корреспондентлар ушбу сайтга блогларни мустаҳкамлаб борадилар. Шунингдек, сайтнинг етти кунгача сақланувчи хабарлар архиви ҳам мавжуд. “News Asia” каналининг тўғридан-тўғри оқими Эйша Сет 3с томонидан эгалланган ҳудудлардаги вебсайтлардан узатилиб берилади. Ёрньюс рукнидан ушбу сайтни кузатувчилар ўша ҳудудда содир бўлаётган воқеалар ривожини билиб бориши ҳам мумкин. “News Asia” канали Мандариндаги вебсайтни 2005 йил 1 январдан тўхтатиб қўйган.

Каналнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, интервью берувчилар инглиз тилидан ўзга тилда гапиришса, “News Asia” асл овоз таржима билан бирга узатилмайди, аксинча, маҳаллий тилдаги интервью сақланиб, инглиз тилида субтитрлар берилади. Буни кўпинча индонез ва малай тилларини асосий тил сифатида ишлатувчи дастурларда кузатишимиз мумкин.



“News Asia” халқаро янгиликлар канали сифатида Осиё янгилик, ахборот ҳамда воқеа-ҳодисаларига алоҳида урғу беради. Ҳар бир янгиликлар билютени одатда ярим соатга мўлжалланган. Истисно ҳолат сифатида “AM Live” (“Эйэм лайв”) кетма-кет икки соат ва “Prime time Asia” (“Прайм Тайм Эйша”) бир соат узатилишини мисол қилишимиз мумкин. Куннинг охирида хужжатли фильмлар, ҳаётий ёхуд саломатликка бағишланган дастурлар, сўнги воқеалар таҳлили ва бизнес олами янгиликлари намоиш қилинади. Ҳозирда канал 24 соат узлуксиз давом этапти. Айрим дастурлар Марина Кўрфазида бунёд қилинган тегишли бинолардаги янгилик студияларидан узатиб борилмоқда. Ушбу кўрфаздаги станция Сингапурнинг инглиз тилига асосланган умумий кўнгилочар канал, МедиаКорп ТВ, Ченнл 5ларга ҳам янгиликларини етказди. Асосий маҳаллий ҳамда халқаро янгиликлар билютеньлари намоиш қилинган, дунёнинг йирик шаҳарлари об-ҳаво маълумотлари кўрсатилиши одатий ҳолга айланган. Шуниндек,

белгиланмаган соатлар давомида “EarthTV” томонидан “World Life” дастури узатилади.

“France 24” (“Франс 24”) халқаро ахборот телеканали 2006 йил 6 декабрдан ўз фаолиятини бошлади. Каналга француз ҳукуматининг молиявий кўмагида Париж яқинидаги Исси ле Мулинода асос солинди. Унинг йиллик даромади 80 миллион еврога ташкил қилмоқда. Бугунги кунда телеканал француз, инглиз ҳамда араб тилларида 24 соатлик узаттиришлар олиб борапти. “France 24” дастурлари янгилик блоклари, махсус репортаж ҳамда матбуот таҳлилидан иборат бўлиб, 260 та ўз журналистларидан ташқари, канал 2та асосий француз телеканаллари (Groupe TF1 и France Télévisions) ресурсларини ҳам жалб этиши мумкин. 2013 йил 19 майдан бошлаб, “France 24” узаттиришларнинг янги жадвалини тузиб чиқди, унда тонг ва оқшом дастурлари приоритети қолдирилди. Шунингдек, бизнес, спорт, маданият янгиликлари ҳамда ток шоуларга кўпроқ вақт ажратиш режалаштирилмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <http://www.televisionbroadcast.com/article/95488>.
2. <http://www.medialit.org/reading-room/societys-storyteller-how-tv-creates-myths-which-we-live>
3. <http://www.wikipedia.org>
4. <http://world.std.com/~camera>
5. <http://www.nieman.harvard.edu>